

**СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАЎБАТЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Аманов Акрам Мирзаевич

ТМИ, "Солиқлар ва солиққа тортиш"

кафедраси профессори

Аннотация: Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш амалиётидаги ислохотлар, уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинган. Аграр соҳани ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ўрганилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини ва уларда фаолият олиб бораётган ишчи-хизматчиларни адолатли солиққа тортиш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кластерлар, фермер хўжаликлари, солиққа тортиш тизими, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ер солиғи, солиқ ставкалари.

Аннотация. В данной статье анализируются реформы в практике налогообложения сельскохозяйственных предприятий и их эффективность. Изучены нормативные документы, разработанные в целях развития аграрного сектора, даны предложения и рекомендации по справедливому налогообложению сельскохозяйственных предприятий и работающих в них работников.

Ключевые слова: Сельское хозяйство, сельскохозяйственные предприятия, кластеры, фермерские хозяйства, система налогообложения, налог на прибыль, налог на добавленную стоимость, земельный налог, налоговые ставки.

Annotation. This article analyzes reforms in the practice of taxation of agricultural enterprises and their effectiveness. Regulatory documents developed for the purpose of development of the agrarian sector were studied, suggestions and recommendations were made regarding the fair taxation of agricultural enterprises and the workers working in them.

Keywords: Agriculture, agricultural enterprises, clusters, farms, taxation system, profit tax, value added tax, land tax, tax rates.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш, улар фаолиятини солиқ имтиёзлари ва преференциялар орқали қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги

корхоналаридан солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш услубияти иқтисодий ислохотларнинг ҳар бир босқичда такомиллаштирилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бир қисми, яъни суғориладиган ер участкасининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда солиқларни тўлаб келмоқдалар.

Кейинги йилларда Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ислохотларни амалга ошириш белгилаб берилди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш юзасидан аниқ чора тадбирлар олиб борилмоқда.

Халқимиз, давлатимиз Янги Ўзбекистон пойдеворини жадаллик билан бунёд этмоқда. Барча соҳа ва тармоқлар Президентимиз илгари сурган “Инсон қадри учун” тамойили асосида тубдан ислох қилиняпти.

Янги Ўзбекистон, энг аввало, янгича иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш демақдир. Шу боис мамлакатимиз иқтисодий тизими тўлиқ қайта қуриляпти, бозор механизмлари тизимли жорий этилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда республикаимиз қишлоқ хўжалигига бозор иқтисодиётига хос ёндашув ва моддий рағбатлантириш механизмлари жорий этилиши бошланди. Аграр секторни ялпи ва тизимли трансформатсия қилишдан кўзланган мақсад эса соҳа самарадорлигини ошириш, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлашдир.

Ўзбекистон халқи, фермер-деҳқонлар анчадан буён кутган дон этиштиришда давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилиш ва ҳақиқий ғалла бозорини яратиш борасида муҳим кадам ташлашнинг фурсати этганлиги билдирилган давлатимиз раҳбари барча зарур ташкилий ишлар ҳал қилинган ҳолда, 2022 йил 1 июндан бошлаб, ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилишини маълум қилди. Бу ғаллакорларимизни ғоят қувонтирган, руҳлантирган янгилик бўлди. Чунки ғалла биржа савдолари орқали бозор нархида сотилса, фермерлар даромади анчагина ортади. Давлат буюртмаси бекор қилиниб, тўлиқ бозор механизмларининг жорий этилаётганидан деҳқонларимиз манфаатдор. Улар меҳнатига яраша фойда олса, экинларни парваришlashга қизиқиш ва интилиши кучайиб боради. Замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, илғор технологиялар харид қилиши имконияти кенгайди. Аён бўляптики, ер эгалари манфаатдорлиги кучайиши ҳосилдорлик ошишига, ер ҳолати яхшиланишига пухта замин яратади. Шунингдек, ғалла импорти камайишига эришилади, валюта иқтисод қилинади. Эндиликда фермер ва кластерлар ўзи этиштирган ғаллани биржа савдоларига олиб чиқиши учун давлат томонидан барча имкониятлар яратилади. Давлат ресурслари учун сотиб

олинадиган 1 тонна буғдой нархи 2021 йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан 2022 йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оширилди. Бундан ташқари, фермерлар ихтиёрида қоладиган буғдойдан 500 минг тоннаси дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва 2022 йил 1 июлдан бошлаб, илк бора фермер ва кластерларнинг ўзлари биржа савдоларига бозор нархида чиқаради. Бунда 500 минг тонна буғдойнинг дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади. Шунингдек, фермерлар 2022 йил буғдой ҳосили учун биржа тўловларидан озод қилинди.

Мамлакатимизда бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати юртимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссини кучайтириб, келажакка ишончи янада мустаҳкамланиб бораётгани, фақатгина қишлоқ хўжалигини эмас, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда. Бошқа соҳалар сингари аграр тармоқнинг ҳам бугунги шиддатли замон билан ҳамнафаслигини таъминлаш, деҳқону миришкорларимиз, фермерларимиз томонидан этиштирилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига эришишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммолар ва уларнинг эчимларини ҳуқуқий асосларини яратиш, иқтисодиётимизни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, фермер, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ аҳамият берилмоқда. Хусусан, 2020 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 5 та Қонуни, Президентнинг 12 та Фармони ва 30 дан ортиқ Қарори ҳамда ҳукуматнинг кўплаб Қарорлари айни шу йўналишга қаратилганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Бу борада алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонини ҳақиқатан ҳам ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат деб айтишимиз мумкин.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида туб бурилиш яшашга қаратилган мазкур Стратегия 9 та устувор йўналишларни ўз ичига қамраб олиб, қуйидаги долзарб масалаларнинг асосий ечими бўлиб хизмат қилади.

- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайитириш ва инвестициявий жозибadorликни ошириш;

-табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

-бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш; тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;

-қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

-қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;

-тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш каби масалалар белгилаб берилган.

Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси¹ доирасида белгиланган пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги хўжалиги корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга хизмат қиладиган куйидаги таклиф ва тавсиялардан солиқ амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

➤ ҳудудлар кесимида тасарруфидаги суғориладиган ерлар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда ва қўшилган қиймат солиғи тўлаётган фермер хўжаликларининг фақат пахта ҳамда ғалла етиштиришда фойдаланаётган ерлари ҳажмини ер солиғи тўлашдан тўлиқ озод қилиш ва мазкур (озод қилинган) маблағни ер бонитетини яхшилаш чора-тадбирларига сарфлаш лозим;

➤ қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга фойда бўйича "нол" фоиз миқдорида ставка жорий қилинган. Мазкур солиқ ставкасининг қўлланилиши учун қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари реализация қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 90 фоиздан ортиқни ташкил этиши белгиланган. Бизнингча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 50 фоиздан ортиқни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги [Ўзбекистоннинг 2022-2026 йиллардаги тараққиёт стратегияси тўғрисида](#)”ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган.

ташқил этиши лозим деб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу қишлоқ хўжалиги корхоналари трансформациялашувини янада тезлаштиришга хизмат қилади;

➤ пахта ва (ёки) ғалла этиштиришга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги хўжалиги корхоналари ишчи ва хизматчиларининг (доимий ёки мавсумий ишлашидан қатъий назар) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ҳамда моддий наф тарзидаги даромадларини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилиш керак. Бу чора-тадбир соҳада ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошишига ҳамда кадрлар кўнимсизлигига барҳам беришга шароит яратади.

Аграр соҳа вакиллари учун солиқ сиёсатида киритиладиган ўзгартиришлар, яъни тадбиркорлик субъектлари ва уларда фаолият юритаётган ишчи хизматчилар зиммасидаги солиқ юкининг камайтирилиши бевосита хуфёна иқтисодиётнинг қисқаришига ва келажакда давлат бюджети даромадлари кўпайишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2023 йил 23 феврал, ПҚ-69-сон.
2. Аманов А.М. Определение налоговой задолженности // Вестник современной науки. Научно-теоретический журнал. №4. 2016. Часть 1. Стр. 77-79
3. Аманов А.М. Приоритетные направления совершенствования налоговой системы Республики Узбекистан // ЭКОНОМИКА И БИЗНЕС: теория и практика журнал. №5. 2017. Стр. 17-20.
4. Аманов А.М. Сельское хозяйство республики узбекистан в условиях цифровизации экономики // «Интернаука»: научный журнал – № 19(195). Часть 4. Москва, Изд. «Интернаука», 2021. Стр. 16-19.